

**“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АЖДА  
ШАРТНОМАЛАРНИ КЕЛИШИШ,  
ИМЗОЛАШ ВА ИЖРО ЭТИШ  
СИЁСАТИ**



**Тошкент-2023 й.**



**Шартнома** – “Ўзбек геология қидирув” АЖ ва контрагент (бир нечта контрагентлар) ўртасидаги хукуқ ва мажбуриятларнинг ўрнатилиши, ўзгариши ёки бекор қилинишига олиб келадиган ёзма шаклдаги ҳужжат. Шубҳаларни бартараф этиш учун ушбу сиёсат мақсадлари учун шартнома доирасида ёки тузилган шартномаларга қўшимча битимлар ҳам тушунилади.



**Ваколатли ходим** — Бошқарув раиси ёки белгиланган тартибда тузилган шартномаларни тузиш (имзолаш) ва/ёки ҳисоб-фактураларга имзо чекиш хукуқига эга бўлган “Ўзбек геология қидирув” АЖ ходими.



**Ташаббускор** - Шартномани тузиш ва бажариш учун масъул бўлган ташаббускор бўлинма ходими, у ушбу сиёсатга мувофиқ, “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг мувофиқлаштирувчи бўлинмалари (шахслари) билан шартноманинг келишиш ва имзолаш жараёнини амалга ошириш учун жавобгар шахс.



**Коррупцияга қарши банд** - Жамият келишувларига киритилган махсус қоидалар, бу қоидалар томонларга шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариш мажбуриятини юклайди.

## ҚУЙИДАГИ ҲОЛАТЛАРДА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ ЖАРАЁНИДА ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВ ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ:



биржа савдоларида  
Жамиятнинг биржа брокерлари  
томонидан тузилган  
шартномалар



валютани сотиш ва  
сотиб олиш бўйича  
шартномалар



табиий монополиялар  
субъектлари, шу жумладан,  
табиий газ, электр энергияси,  
иссиқлик энергияси, иссиқ ва  
совуқ сув етказиб бериш учун  
коммунал хизмат  
кўрсатувчилар билан  
чекланмаган ҳолда тузилган  
шартномалар



мехнат шартномалари  
(ходимларни танлаш ва  
фаолиятга жалб қилиш  
учун белгиланган  
тартибда тасдиқланган)

## ТАШАББУСКОР ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВНИ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИГАН ШАРТНОМАЛАРНИ ИМЗОЛАШДА:

1

Шартнома тузилган контрагентнинг “Ўзбек геология қидирув” АЖ контрагентларини текшириш реестрида ва “Ўзбек геология қидирув” АЖ нинг инсофсиз контрагентлари реестрида мавжудлигини текшириш.

2

“Ўзбек геология қидирув” АЖ контрагентларини текшириш реестрида контрагент бўлмаган ёки 1 (бир) йилдан ортиқ вақт олдин текширилган тақдирда, “Ўзбек геология қидирув” АЖ контрагентларини текшириш бўйича қўлланмага мувофиқ шартнома тузадиган контрагентнинг ишончлилигини текшириш тартиби бошланади ва текшириш тутагунга қадар ушбу контрагент билан шартнома келишиш тўхтатиб қўйилади.

3

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг инсофсиз контрагентлари реестрида контрагент мавжуд бўлган тақдирда, тегишли контрагент билан шартнома тузиш зарурлигининг асоси хужжатлар тўпламига илова қилинади

4

Ушбу шартномалар имзоланмасидан олдин, тасдиқланган бизнес-режа бўйича шартнома бўйича харажатларнинг мувофиқлиги учун “Ўзбек геология қидирув” АЖ нинг Молиявий-иктисодиу ҳисоботлар бошқармаси билан келишилиши керак

6

**2021 ЙИЛ 22 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 684- СОНЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
“ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТҮҒРИСИДА” ГИ ҚОНУНИНИНГ 30-МОДДАСИДА ХАРИД ҚИЛИШ  
ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛГАН:**



электрон дўкон



бошлангич  
нархни  
пасайтириш  
учун  
ўтказиладиган  
аукцион



энг яхши  
таклифларни  
танлаш




тендер



тўғридан-тўғри  
шартномалар  
бўйича амалга  
oshiриладиган  
давлат  
харидлари

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг  
“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3953-сонли  
Қарорининг Иловасига мувофиқ давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида  
43 турдаги харид қилинадиган товарлар ишлар, хизматлар руйхати белгиланган.**

## ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШДАН ОЛДИН ТАШАББУСКОР КЕЛИШИШ ВАРАҚАСИДА ҚУЙИДАГИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ВИЗАЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ОЛИШИ КЕРАК:



ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИГА ҖАРАБ

## ШАРТНОМАЛНИНГ МАЗМУНИ, УЛАРГА ҚҰЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР



Шартномалар фақат ёзма равища тузилади. Жамиятда шартноманинг асосий матнига киритилмаган, унга илова қилинмаган ёки бошқа белгиланған шаклда тасдиқланмаган ва Жамиятда қабул қилинған келишув тартиб-таомилларидан үтмаган контрагентлар билан ҳар қандай келишишни (ёзма ёки оғзаки) тузиш таъқиқланади. Тузилған ҳар бир шартнома томонларнинг барча шартлари ва келишишларини түлиқ үз ичига олиши керак.



Ваколатли ходимлар томонидан имзоланған шартнома унда күрсатилған шартлар асосида амалға оширилади. Шартнома шартларини келишилмаган тарзда рад этиш ва/ёки үзгартиришга йўл қўйилмайди.



### ШАРТНОМАЛАРДА ҚҰЙИДАГИ ҚОИДАЛАР, ЯЪНИ ТИЖОРАТ ШАРТЛАРИ БЎЛИШИ КЕРАК



Жамият ва контрагентлар ўртасида ўрнатилған хуқуқий муносабатларнинг моҳиятини акс эттирувчи мавзу



Харид қилинадиган товарлар ёки хизматлар/ишлар сметасининг спецификацияси (шартномада сотиб олинган товарлар/хизматлар/ишларга талабларнинг тўлиқ ва тўғри кўрсатилиши);



Томонларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари



Ҳисоб-китоб қилиш тартиби



Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари



Мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик



Низоларни ҳал қилиш тартиби



Юридик манзиллар (пошлина тафсилотлари), банк ҳисоблари ҳакидаги маълумотлар, факс ва алоқа телефон рақамлари, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса).



Шартнома муддати




Реклама тақдим этиш тартиби

## ШАРТНОМАНИНГ МАЖБУРИЙ ШАРТЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

- 1** Муқаддима (ёки кириш қисми)
- 2** Шартноманинг номи (масалан, олди-сотди шартномаси, етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш, ижара ва х. к.)
- 3** Шартнома имзоланган сана
- 4** Шартномани имзолаш жойи (шаҳар ёки аҳоли яшаш пункти)
- 5** Контрагентнинг юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида рўйхатдан ўтган фирмасининг тўлиқ номи, шунингдек, шартнома бўйича томонларнинг қисқартирилган номи ("буортмачи", "харидор", "ижарачи" ва бошқалар)
- 6** Шартномани имзолаган шахсларнинг лавозими, Ф.И.Ш., шартномани имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларга қўрсатмалар. Шартномани имзолаш шартнома муқаддимасида кўрсатилган шахслар томонидан амалга оширилиши керак. Агар имзововчи шартноманинг муқаддимасида кўрсатилмаган шахс бўлса, "апостроф", "вергул" ва юқоридаги бошқа белгилар билан шартномада кўрсатилган лавозимни белгилаш таъзиқланади.

## ШАРТНОМАНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БАНДИ ШАРХИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-бандида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланади деб қўйилган. Шунингдек, «Ўзбек геология қидирув» АЖнинг «Коррупцияга қарши сиёсати» нинг **3.4.3.1-банди** талабларида ҳам **Жамият** томонидан тузилган барча шартномалар (шу жумладан, олди-сотди, хизматлар кўрсатиш, корпоратив, қўшма корхоналарни ташкил этиш тўғрисидаги шартномалар ва бошқалар) коррупцияга қарши кураш бандини ўз ичига олиши кераклиги қайд этилган.

Контрагентнинг ташаббуси билан **Жамиятнинг** стандарт коррупцияга қарши кураш бандлари матнiga ўзгартиришлар киритиш ёки контрагент томонидан тақдим этилган намунани коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги шартномага киритиш лозим бўлса, бундай шартноманинг матнини ўзгартириш ёки тўлдириш комплаенс-назорат хизмати ва юридик **бўлим** билан келишиш шарти билан рухсат этилади. Зарур бўлганда, юридик **бўлим** мазкур контрагентга нисбатан ўзаро ҳамкорликнинг аввалги босқичларида (масалан, ишончлилиги, харид қилиш тартиб-таомилларини ўtkазиш ва x.k.) аниқланган хавфларнинг йифиндисини баҳолаш ва коррупцияга оид хатарларни минималлаштиришга қаратилган шартнома шартларини ишлаб чиқиш учун Жамиятнинг таркибий бўлинмаларини жалб қилиши мумкин. Аниқланган хавфлар йифиндисини баҳолашга комплаенс-назорат хизмати масъул ҳисобланади. Агар **Жамиятнинг** контрагенти коррупцияга қарши кураш банди билан шартнома имзолашдан бош тортса, Коррупцияга қарши ички назорат бўлими кўриб чиқилаётган шартнома доирасида контрагентга нисбатан коррупцияга қарши хавфларни ўзаро ҳамкорликда таҳлил қилиш натижалари асосида коррупцияга қарши шартнома тузиш имконияти тўғрисида ёзма хulosса чиқаради.



## ШАРТНОМАЛАРНИ КЕЛИШИШ ТАРТИБИ

- 1** “Ўзбек геология қидирув” АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари ва ходимлари учун шартномаларни келишишнинг ягона тартиби белгиланади
- 2** Шартномани келишиш учун Ташаббускор мувофиқлаштирувчи бўлинмаларга (шахсларга) қўйидаги хужжатларни тақдим этиши керак :
- 3** шартнома лойиҳаси
- 4** шартнома матнида кўрсатилган барча иловалар, шунингдек, шартнома лойиҳасида ҳаволалар мавжуд бўлган хужжатлар
- 5** ушбу сиёsatда белгиланган шаклдаги келишиш варақаси
- 6** харид қилиш учун Жамиятда белгиланган тартибда келишилган ариза (харид қилиш зарурлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат)
- 7** етказиб берувчини танлаш тўғрисида қарор (масалан, баҳолаш танлов комиссияси баённомаси, етказиб берувчини танлаш бўйича бошқа ҳужжат)
- 8** контрагентни Жамиятнинг контрагентларни текшириш бўйича Кўлланмага мувофиқ текшириш тўғрисидаги хулоса/ контрагентнинг “Ўзбек геология қидирув” АЖ нинг контрагентларини текшириш реестрида мавжудлигини ва “Ўзбек геология қидирув” АЖ нинг инсофсиз контрагентлари реестрида йўқлигини тасдиқлаш
- 9** агар контрагентга нисбатан салбий баҳо берилган бўлса ёки контрагент “Ўзбек геология қидирув” АЖ нинг ноҳалол контрагентлари реестрида бўлса, контрагент билан шартнома тузиш заруратини асослаш


## ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИДА КЎРСАТИЛГАН БАРЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ БЎЛИНМАЛАР (ШАХСЛАР) БИЛАН КЕЛИШГАНДАН СҮНГ, ТАШАББУСКОР



Келишилган шартнома имзоланиши ва Жамиятнинг мухри билан тасдиқланиши учун ваколатли ходимга тақдим этади. “Ўзбек геология қидирув” АЖ томонидан тузилган шартнома бухгалтерия ҳисоби ва корпоратив ҳисбот бошқармасида муҳланади;



шартномани имзолашга топширишдан олдин ташаббускор келишиш варагида барча керакли визалар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши керак.



“Ўзбек геология қидирув” АЖ номидан битимлар факат бошқарув раиси (Устав асосида) ва (ёки) Жамиятнинг ваколатли ходими томонидан имзоланади (“Ўзбек геология қидирув” АЖ номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш учун бошқарув раиси томонидан берилган ишончнома асосида, ишончнома рақами (белгиланган намунадаги), сана, лавозим ва Ф.И.Ш)



шартномани рўйхатдан ўтказишнинг тўғри сақланишига масъул бухгалтерия ҳисоби бўлимига “Ўзбек геология қидирув” АЖ шартномалари реестрига мувофиқ сана ва рақамни кўрсатган ҳолда шартномани рўйхатдан ўтказишга топширади.



шартнома барча томонлар тарафидан имзоланган ва битта ҳужжатни расмийлаштириш орқали тузилади.



**ISO 37001:2016 ҳалқаро стандартининг 8.3 банди “Молиявий назорат” түғрисида бўлиб, унда ташкилот қуидагиларга риоя қилиши лозим:**

-айнан битта ходим бир вақтнинг ўзида тўловга рухсат бериши ва уни маъқуллаши мумкин бўлмаган мажбуриятларни киритиш;

-тўловни тасдиқлаш учун камида 2 та имзонинг талаб этилиши;

-муҳим молиявий операцияларни бошқаришнинг даврий таҳлилини амалга ошириш;

-тўловларни маъқуллашнинг кўп босқичли тизимини киритиш: (янада йирик битимлар янада юқори раҳбарият томонидан маъқулланишини талаб этадиган тарзда)



**ISO 37001:2016 ҳалқаро стандартининг 8.4 банди “Номолиявий назорат” түғрисида бўлиб, унда ташкилот харидлар, иш юритиш, сотувлар, тижорат, одам ресурслари, қонунчилик ва тартибга солувчи фаолият каби соҳаларга нисбатан коррупцион хавф-хатарларни бошқариш учун номолиявий назоратни амалга ошириши лозим.**

Ташаббускор шартнома тузиш бўйича хизмат хати ёзади ва  
2 иш кунида тегишли мувофиқлаштирувчи бўлимлар  
билин келишиш варақасини имзолайди.

Молия, ғазначилик операциялари ва харидлар  
бошқармасга тегишли тартибда электрон биржа  
платформаларига эълон беради ҳамда биржা  
савдолари якунлари бўйича ғолибни аниқлайди.

Жамиятнинг Иқтисодий-молиявий ҳисоботлар  
бошқармаси, тасдиқланган бизнес-режага асосан  
шартнома бўйича харажатларнинг  
мувофиқлигини ўрганади.

Юридик бўлим ҳодими шартномани ҳуқуқий  
жихатдан тўғри тузиленганинга баҳо беради, агар  
шубҳа уйғотса ҳуқуқий экспертиза ўтказиб ўз  
хуносасини беради.

Коррупцияга ички назорат тузилаётган  
шартномада манфаатлар тўқнашуви мавжуд  
эмаслигини ҳамда унга коррупцияга қарши  
курашиш банди киритилганини ўрганиб хуоса  
беради.

“Ўзбек геология қидирув” АЖ томонидан  
тузилган шартнома Бухгалтерия ва Иқтисодий-  
молиявий ҳисоботлар бошқармасида муҳрланади.

Шартнома Бухгалтерия ва Иқтисодий-молиявий  
ҳисоботлар бошқармасида “Ўзбек геология  
қидирув” АЖ шартномалари реестрига мувофиқ  
сана ва рақамни кўрсатган ҳолда рўйхатдан  
ўтказилади.

Жамият номидан битимлар фақат бошқарув раиси (Устав асосида)  
ва (ёки) Жамиятнинг ваколатли ҳодими томонидан имзоланади  
(Жамият номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш учун  
бошқарув раиси томонидан берилган ишончнома асосида).

Бухгалтерия ва Иқтисодий-молиявий ҳисоботлар бошқармаси  
тегишли тарзда келишилган, имзоланган ва рўйхатдан ўтган  
шартнома бўйича тўловларни амалга оширади.



*“Коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиши жараёнлари, очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга”. Масалан, фуқароларимиз жорий йилдан бошлиб очиқ эълон қилинаётган давлат харидларига оид маълумотлардан фойдаланиб, ўринли масалаларни кўтармоқда.*

**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**





**ЭЪТИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАҲМАТ!**